

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ: ИЛМИЙ СИЁСИЙ, ФАЛСАФИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АКСИОЛОГИК ДИСКУРСЛАР

Атавуллаев Миркомил Аҳмадович.

Ўзбекистон Миллий университети доценти

Аннотация

Ушбу мақолада Ижтимоий давлат сиёсий хусусиятга эга воқелик эканлиги, давлат ва жамият ҳаётини ташкил этиш ва бошқариш ҳар қандай давлатни сиёсий институтга, воқеликка айлантириши, шунинг учун давлат ҳақидаги мулоҳазалар сиёсий таълимотлар ва дискурсларга бориб тақалиши тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: давлат, жамият, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий давлат, демократик давлат, адолатли давлат, инсонпарвар давлат.

ГОСУДАРСТВО ВСЕОБЩЕГО БЛАГОСОСТОЯНИЯ: НАУЧНЫЕ ПОЛИТИЧЕСКИЕ, ФИЛОСОФСКО-ПРАВОВЫЕ И ПРАВОВЫЕ АКСИОЛОГИЧЕСКИЕ ДИСКУРСЫ

Аннотация

В данной статье исследуется, что социальное государство-это реальность политического характера, что организация и управление жизнью государства и общества превращают любое государство в политический институт, реальность, поэтому рассуждения о государстве восходят к политическим учениям и дискурсам.

Ключевые слова: Государство, общество, социальное, политическое, правовое государство, демократическое государство, справедливое государство, гуманное государство.

SOCIAL STATE: SCIENTIFIC POLITICAL, PHILOSOPHICAL-LEGAL AND LEGAL AXIOLOGICAL DISCOURSES

Annotation

This article explores the fact that the Social state is a reality of a political nature, that the organization and management of the life of the state and society makes any state



a political institution, a reality, so that reflections on the state go to political teachings and discourses.

Keywords: state, society, social, political, legal state, Democratic state, just state, humane state.

Ижтимоий давлат сиёсий хусусиятга эга воқелик. Давлат ва жамият ҳаётини ташкил этиш ва бошқариш ҳар қандай давлатни сиёсий институтга, воқеликка айлантиради. Шунинг учун давлат ҳақидаги мулоҳазалар сиёсий таълимотлар ва дискурсларга бориб тақалиши табиий ҳолдир. Давлатни илмий сиёсий нуқтаи назардан ўрганиш ўзининг завқли тарихига эга, ҳар бир жиддий тадқиқотчи инсон ва кишилик жамияти ҳақида фикрловчи файласуф, ижтимоий муносабатларни ўрганувчи социолог, келажак ҳақида қайғурувчи футуролог мутафаккир давлат ва унинг сиёсий хусусияти ҳақида фикр билдирмай ўтмаган. Ижтимоий сиёсий борлиқ инсон ва жамият ҳаётининг ўзи, моҳияти, социосубстанционал асоси бўлиб келганки, шунинг учун ҳар бир онгли, фикрловчи шахс уни англашга, ўзича такомиллаштиришга, янада олийжаноб ва инсонпарвар қилишга интиланган. Давлат шунчаки сиёсий институт, воқелик эмас у шахс ижтимоий борлигининг ўзи. Давлат ҳатто инсон манфаатларига хизмат қиладиган идеал институт бўлганида ҳам шахс ушбу институт қўйнида, унинг ёрдамида, қўллаб қувватлашида ўзини хавфсиз, бахтиёр, керакли сезади. Давлат инсон учун зарур шундай ижтимоий сиёсий борлиқки, ундан инсонни, инсонни ундан ажратиш, уларни бир бирига қарши қўйиш асло мумкин эмас. Кишилик тарихи, цивилизация “давлат” деб аталадиган сиёсий институтга шундай кўникиб, мослашиб қолганки, ушбу ижтимоий сиёсий борлиқнинг бўлмаслиги, давлат сиёсий институтининг рад қилиниши шубҳасиз тарзда инсонни чексиз фожиаларга олиб келган бўларди. Ҳа, инсоният дуч келган қирғин барот урушлар, этносларнинг бир бири устига юриши, деспотизм ва тоталитаризм туфайли инсон ҳуқуқлари, шаъни топталганлигида маълум жихатдан милитаристик, агрессив сиёсий тузумларнинг айби бор. Айнан шундай сиёсий тузумлар, давлатлар ва уларни бошқарган шахслар сабабли идеал давлат ва жамият барпо этиш амалдан йироқ орзу, истак бўлиб келди. Шундай экан, давлатнинг ижтимоий сиёсий моҳиятини англаш, уни инсон ва тараққиёт манфаатларига хизмат қилдириш муаммолар муаммоси бўлиб қолмоқда. Ижтимоий давлат ушбу муаммони амалий ҳал этиш томон ташланган ўта муҳим сиёсий қадам, буюк сиёсий ирода



ва гўзал, олийжаноб стратегия ифодасидир. Сукрот адолат ва адолатсизлик ҳақида мулоҳазалар юрита туриб дейди, давлатда эзгу ишларга, мақсадларга йўналтирилган барча нарса, ҳаракатлар адолатли, дейди[1]. Эзгу нарса адолат мезони, кўрсаткичи. Агар ижтимоий давлатнинг бош функцияларидан бири адолат ўрнатиш, ижтимоий ҳаётни ва бошқариш ишларини адолатли йўлга қўйиш экан, унинг ушбу мақсадига қўшилмай, уни қўллаб қувватламай бўлмайди. Ижтимоий сиёсий борлиқ социосубстанционал асосига мувофиқ адолат ифодаси бўлиши, ушбу адолатни кишилар кундалик ҳаётида, турмушида ва фаолиятида кўриши, сезиши зарур. Бундай ижтимоий сиёсий борлиқни шакллантириш давлат зиммасидаги вазифадир. Бу вазифани у ўзининг суверен ҳуқуқидан тўла фойдаланиши билан амалга ошириши мумкин. Бу суверен ҳуқуқ уни гоҳо абсолют бўлишга ундайди. ”Чиндан эзгу мақсадли, адолатли ва онгли йўналтирилган абсолютизм, --дейди давлат бошқаришининг барча мураккабликлари ва фожиаларини ўз кўзи билан кўрган, ўз тажрибасидан ўтказган Отто фон Бисмарк, -- идора қилишнинг яхши тимсолидир. Қаерда у бўлмаса ҳаммаси тарқалиб кетади: бири уни истайди, бошқаси бунини, натижада доим иккиланиш ва турғунлик юзага келади”[2]. Ижтимоий давлатда абсолютизм бўлиши мумкин эмас, аммо бу юксак идеал, орзу, реал муносабатлар уларни баъзан рад этиб туради. Масалан, ривожланган ижтимоий давлатлар ҳисобланган АҚШ, Германия, Франция, Италияда турли ички низолар, антогонистик тўқнашувлар ва иш ташлаш, ғалаёнлар бўлаётганига истанганча мисоллар келтиришимиз мумкин. Ҳатто “аъло ижтимоий давлат” Швецияда ҳам криминалистик романларга етарлича мавзу берадиган воқеалар учраб, жамиятни безовта қилиб туради. Манбаларда келтирилишича, 2010 йилдан бери Швецияда ҳар 100 минг кишига 15 минг жиноят тўғри келмоқда, ўлдириш билан боғлиқ жиноятлар 50% га, номусга тегиш эса 175 % га ошган[3]. Демак, давлатнинг стратегик мақсади, ижтимоий давлат бўлиш истаги ҳали реал воқеликнинг ифодаси бўлавермайди. Тагин биз идеал давлат концепциясига дуч келмаяпмизми, ота боболаримиз, мутафаккирларимиз, халқимиз орзу қилиб келган идеал давлат ҳақидаги утопия яна бизнинг ўй ҳаёлларимиздан жой олмаяптими? Ижтимоий давлатни илмий сиёсий тадқиқ этиш шундай саволларга жавоб бериши керак, бироқ бу борада танқидий рационал таҳлилдан кўра, илмий асарларда йўқни бор қилиб кўрсатиш устувордир. Бирорта ҳам илмий сиёсий асар, монография ижтимоий давлат олдидagi фундаментал масалаларни чуқур таҳлил қилмайди, уларни ечишнинг илмий рационал усулларини қидирмайди. Биз нима учун кеча



демократик жамият, бугун эса ижтимоий давлат ҳақида фикрлашимиз ёки ёзишимиз керак? Биз сиёсий лидерларнинг хаёлларига келган фикрларга сажда қилиб, эргашиб яшашимиз керакми? Ижтимоий тенглик, ижтимоий адолат. неъматлар ва бойликларнинг тенг тақсимланиши ҳақидаги фикрлар қанчалик реал ҳаётга мувофиқ келади? Шу пайтгача улуғланиб, кўкка кўтарилиб мақтанилган бозор демократияси ва эркинлиги ижтимоий адолат, ижтимоий тенглик, неъматлар ва бойликларни тенг тақсимлаш тамойилларига мутлақ зидку? Энди биз бозор демократиясига қурилган капиталистик муносабатлардан воз кечамизми? Ҳар куни сиёсий тараққиёт позициясини ўзгартирадиган, модернизация байроғи остида этноанъаналарни сиқиб чиқаришга қаратилган тажрибалар халқни, миллатни ислохотлардан бездирмайдими, ҳолдан толдирмайдими?...Саволлар кўп, аммо сиёсатшунослар уларни ё эсга олмайди, ёки уларга бирорта ечим топиб беришга тайёр эмас. Мана, нима учун ижтимоий давлат илмий сиёсий тадқиқотга муҳтож, бундай тадқиқотлар сиёсий фундаментал масалаларини очиб бериши, жамиятни чайқалиб, безовта бўлиб эмас, балки бир маромда, барқарор ривожланишини асослаб берадиган сиёсий таълимотлар яратиши зарур. Бугун жамиятлар ҳар қачонгидан кўра сиёсий фанларнинг фаоллигига, долзарб масалаларни ўрганиб сиёсий институтлар, аввало давлатни самарали ишлашини таъминлайдиган сиёсий доктриналар, таълимотлар ва бошқариш механизмларини ишлаб чиқиши лозим. Сиёсатшунослик фанининг, айниқса амалий сиёсатшуносликнинг етарли шаклланмагани ижтимоий давлат ҳақидаги тасаввурларни шунчаки сўз ўйинларига, бесамар ва бемақсад ваъзларга айлантиради. Сиёсатшунослик ва амалий сиёсатшунослик айниқса мустақил демократик тараққиёт йўлига кирган ёш давлатлар учун муҳимдир. Ижтимоий тараққиётда илм фан, интеллектуал изланишлар ва ишланмаларнинг роли ортиб бораётган бугунги дунёда ижтимоий давлат ҳақидаги расмий, сиёсий догматик фикрлар етарли эмас, илм фан келажак, ижтимоий сиёсий борлиқнинг ривожланиши ҳақида ўзининг фикрларини билдириши, жамиятда сиёсий онг ва сиёсий фаолликни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиши даркор. Ижтимоий давлат масаларига бағишланган илмий асарларда уни ҳуқуқий давлат, демократик давлат, адолатли давлат, инсонпарвар давлат ва конституциявий давлат каби илгариги сиёсий тажрибалар билан уйғунлаштиришга интилиш устувордир. Ижтимоий давлат бу ҳуқуқий ёки демократик давлатдир, деган аксиоматик иборалар ҳам учрайди. Бундай ёндашув ижтимоий давлатда ҳеч қандай янгилик йўқ, бор



янгилик этимологик талқинда холос, деган фикрни уйғотади. Агар шу пайтгача ҳуқуқий давлат, адолатли давлат, инсонпарвар давлат каби иборалар, атамалар ишлатилиб келинаётган бўлса, улар илмий ва кенг жамоатчилик томонидан қабул қилинган бўлса, янги атамага не ҳожат? Ижтимоий давлат мавжуд атамаларни рад этмаса, ҳатто улар билан номланса, ижтимоий фикрни чалғитиш зарурми? Бундай саволларнинг чеки чегараси йўқ, уларга аввало сиёсатшунослик илми жавоб қидириши лозим. Ижтимоий ҳаёт бир жойда турмайди, у ўзгаришларга, трансформацияга мойил. Илгари кенг эътироф этилган атамалар кейинчалик янги талқинга ёки бошқача аталишга муҳтож бўлади. Бу объектив талаб “ижтимоий давлат” атамасининг ҳам пайдо бўлишига, ишлатилиши ва илмий сиёсий истеъмолга киритилишига сабаб бўлади. Бироқ ҳар қандай ижтимоий сиёсий воқелик каби ижтимоий давлат ҳам куруқ жойда пайдо бўлмайди, у олдинги даврдан, тажрибалардан нималарнидир олади, ўзлаштиради. Шунинг учун ижтимоий давлатда олдинги даврларда ишлатилган атамалар, функциялар ва механизмлар келиши табиий ҳолдир. Шу билан бирга, ушбу илгари мавжуд бўлган атамалар мутлақ эски мазмунда ва маънода қолмаслигини эсдан чиқармаслик керак. Уларни ўзига мувофиқлаштирган объект улар мазмуни ва маъносига янги давр талқинини беради, уларни замонавий қарашлар билан бойитади, янги, самарали механизмларга мослаштиради. Янги давр талаби эски атамаларни тубдан янгиламаса да, уларни ўз даври талабларига мувофиқ замонавийлаштиради. Масалан, ўрта аср фалсафасида адолат илоҳият билан боғлиқ ҳолда талқин қилинган. Адолатни худо таъминлаши мумкин, инсон хатти ҳаракатларининг адолатли ёки адолатсиз эканини фақат у билади, деган қараш устувор эди[4]. “Кишининг жинояткорона хатти ҳаракати худога, илоҳий ҳақиқатга қарши жиноят” сифатида баҳоланди[5]. Замонавий фалсафа эса уни инсон ҳаёти, хатти ҳаракатлари ва дунёвий ишлар билан боғлайди. Инсонни адолат ва адолатсиз хатти ҳаракатлар учун масъул қилган замонавий фалсафа, ундан юксак ахлоқийликни талаб этади. Адолат предмети ҳам кенгайди, энди у конун, меъёр, ижтимоий талаб ва тартиб, ҳуқуқ, социал нормалар кабилар орқали қаралади[6]. Демак, адолат талқинлари бугун ўрта асрдагидек талқин қилинмайди, у замонавий ҳаётга яқин воқеликлар билан уйғун қаралади, ҳар бир атама адолатнинг бир қирраси сифатида келади. “Ижтимоий давлат” атамасига ҳам ана шундай ёндашилади.

Ижтимоий сиёсий ҳаёт, давлат ва жамиятни бошқариш жараёнлари ўзининг бетакрорлиги, мураккаблиги ва баъзан мавҳумлиги билан онгни, тадқиқотчини



хайратга солади. “Сиёсат аниқ фан эмас. Яхши сиёсатчини эса қармоқига балиқ илинишини кутиб ўтирган балиқчига қиёслаш мумкин”[7]. Ижтимоий давлат ҳақидаги тасаввурлар, сиёсий қарашлар ҳали аниқлик касб этгани йўқ, улар идеал модел тарзида ҳаёлий схемалар, орзулар ва утопиялардан иборат. Аниқ режалари билан эса давлат ана шу ҳаёлий схемаларга, орзуларга, утопияга аниқлик киритиши, ҳаёлий тасаввурларни объектив ўзгаришлар билан бойитиши мумкин. Шунинг учун ижтимоий тараққиётнинг маълум бир босқичларида ижтимоий давлат ҳаёлий модел тарзида келиши табиий ҳолдир, аммо унинг халқ ўйидан, ҳаётдан жой олиши унинг реал ислохотлар ўтказишига, кишиларни ва жамиятни безовта қилаётган иллатлардан қутулиш йўллари ишлаб чиқишига, сиёсий иродаси билан бошқариш институтларидаги коррупцияни, тўрачиликни бартараф этишга киришишига боғлиқ бўлади. “Сиёсат, дейди Отто фон Бисмарк, мумкинлик фани. Мумкиндан ташқаридаги барча нарсалар турмушга чиқиш умидини аллақачон йўқотган қари қизлар хўрсиниб ўқийдиган ожиз адабиётлардир”[7]. Сиёсий жараёнлар қанчалик мавҳум, ноаниқ бўлмасин, улар давлат хизматчисидан мууммоларга ечимлар топиш имконини беради. Демак, сиёсатчи ечим топиши мумкин, лекин у бу ечимни топишга интилиши зарур. Агар бугун ижтимоий давлат ҳаёлий схема тарзидан намоён бўлаётган, унинг кўп томонлари ноаниқ, мавҳум қолаётган бўлса, бу уни барпо этиш мумкин эмас, деган фикрни билдирмайди. Сиёсатдаги мумкинлик ҳаёлий моделни реал воқеликка айлантириш мумкинлигидадир. Масалан, буюк заминдошимиз Абу Наср Форобий фозил одамлар шахрини, яъни аҳолиси оқил, билимли ва донишманд одамлардан иборат идеал давлатни орзу қилган эди. У ҳаёлий схема, утопия эди албатта. Аммо бугун кишилик жамияти илмли, маърифатли жамиятни барпо этиш асло ҳаёл ўйинлари, утопия эмаслигини кўрсатмоқда, илм фанга, билим олишга, интеллектуализмга интилиш объектив воқеликка айланган. Бу мисол ижтимоий давлатдаги ҳаёлий, утопик элементларни объективлаштириш мумкинлигини кўрсатади. Ушбу вазифа, мумкинлик аввало сиёсатшунослар ва сиёсатчилар зиммасига тушади. Ижтимоий давлат ҳақидаги тасаввурларнинг, билимларнинг шаклланишида давлатчилик илми, давлат назарияси ва тарихи, ҳуқуқ фалсафаси, фалсафий - ҳуқуқий изланишлар муҳим ўрин тутди. Ижтимоий борлиқда, жамият ва шахс муносабатларини рационал ташкил этишда, халқни ижтимоий этнологик сифатида шаклланишида давлатнинг етакчилик ролини инкор қилиш мумкин эмас. Халқ, миллат, этник бирликлар давлати орқали ўзининг ижтимоий борлиқнинг ва ўзгаришларнинг субъекти



эканини намоён қилади. Давлат институтига таянмайдиган, унинг қўллаб қувватлашига муҳтож бўлмаган халқ, миллат, этник бирлик учрамайди. Шунинг учун ҳам америкалик файласуф ва социолог Ф.Фукуяма глобал дунёдаги муаммоларни ҳал қилиш, фаровон турмуш тарзини таъминлаш учун аввало миллий давлатлар кучли бўлиши зарур, деган фалсафий - ҳуқуқий концепцияни илгари суради[8]. Ижтимоий давлатдан ҳам кучли бўлиш талаб этилади, чунки миллий, ҳудудий муаммоларни фақат миллий давлатлар ҳал этиши мумкин. Бундан ташқари, ижтимоий давлат зиммасига инсонлар ҳаётини асраш, хавфсиз муҳитни шакллантириш, халқаро муносабатларда миллий ҳудудий хавфсизликни таъминлаш, агрессив уюшмалар хуружидан аҳолини ҳимоя қилиш каби вазифалар ҳам юклатилади. Миллий ва ҳудудий хавфсизликни таъминлаш, ҳарбий имкониятлардан фойдаланиш муаммолари ҳали кун тартибидан олинган эмас, ижтимоий давлатлар ҳам улардан холи бўлолмайди. Уруш ва тинчлик муаммоси барча даврларда, барча давлатларда ҳаёт момот, тарих саҳанасида қолиш ёки ундан тушиб қолиш масаласи бўлиб келган. Шунинг учун ижтимоий давлат ўзининг ҳарбий доктринасига, халқ ва давлат хавфсизлигини таъминлаш учун ҳарбий имкониятларидан фойдаланиш тактикасига эга бўлиши лозим. Ижтимоий давлатнинг ҳарбий доктринаси урушиш учун қуролланишга эмас, балки халқ ва давлат хавфсизлигини таъминлаш учун ҳарбий имкониятлардан фойдаланиш тамойилига қурилиши керак. Ижтимоий давлатнинг ҳарбий доктринаси, бизнинг фикримизча, халқ ва давлат хавфсизлигини таъминлаш фалсафаси бўлади.

Ижтимоий давлат асосларини ўрганган олимлар диққатини ҳозирда мавжуд Давлат Жамият Шахс тизимининг Шахс Жамият Давлат тизимига айланиши жараёнларига қаратишади[9]. Ушбу триадалар маълум бир фикрларни билдиришга ундайди. Биринчи триадада урғу давлатга берилади. Бу антик даврдан бери давом этиб келаётган ҳуқуқий анъанадир. Давлатнинг ролини ва аҳамиятини кучайтириш ҳукмрон синф манфаатларини ҳимоя қилишнинг кафолати эдики, айнан шунинг учун ҳам барча кучлар, шу жумладан, интеллектуал кучлар ҳам, ўша манфаатларга хизмат қилган. Ташқи ва ички хавф давлат институтини, сарой бошқаришини кучайтиришни талаб этган, армия ва бошқарув органлари ҳар қандай норозиликни, ташқи ҳужумларни қайтариш воситаларига айланган. Давлатнинг куч бўлиши объектив талаб эди. Ижтимоий давлатда (иккинчи триадада) урғу инсонга, шахсга берилади. Унда Жамият ва Давлат инсон манфаатларига хизмат қилиши зарурлигига ишора бор. Жамият ва давлатда амал қиладиган тартиблар,



қонунлар ва бошқариш ишлари инсонга хизмат қилиши билан эътиборлидир. Иккинчи триадада инсон манфаатларининг биринчи ўринга қўйилиши жамият ва давлат ролини камайтирмайди, балки уларнинг инсон манфаатларига хизмат қилишдаги аҳамиятини оширади. Энди уларни вазифалари Платон назарда тутган бутун (давлат, жамият)га эмас, балки аниқ инсон, шахс манфаатларига хизмат қилишга қаратилади. Жамият ва давлат функциялари марказига инсон, унинг манфаатларига хизмат қилиш қўйилади. Бу ҳозирча умумий фалсафий ёндашув, амалда у қандай рўй беради? Ижтимоий муҳит, миллий менталитет, давлатчилик анъаналари бу ўзгаришларни қандай қабул қилади? Шахс манфаатларига урғу бериш ғарб индивидуализмига етакламаймиди? Шарқона коммуитаристик ҳаёт тарзи, жамоавийлик анъаналари нима бўлади? Демак, триадалардаги парадигмал ўзгариш бутун ижтимоий ҳаётга, миллий менталитет ва этномаданий жараёнларга таъсир этади, асрлар давомида эъзозланган анъаналарни трансформацияга учратади. Инсон шахсини ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш, эъзозлаш эзгу мақсад, барча гуманистик таълимотлар инсонга йўналтирилгани туфайли жамиятда бирлик, барқарорлик, ахлоқий қадриятларга итоат этиш кабилар сақланиб келади. Шундай бўлса да, ғарб жамиятлари шахсдаги эгоистик хислатларни қўллаб қувватлаш орқали индивидуализмни авж олдирганини унутиб бўлмайди. Шарқ халқларида эса жамоавийлик тамойилига бўйсунуш устувор, улар ўзини ушбу анаъанадан ташқарида деб билмайдилар. Ижтимоий давлат моделида эса ушбу ғарбона турмуш тарзини шарқона турмуш тарзига, шарқ кишиси онгига сингдиришга интилиш кузатилади. Шунинг учун фалсафий - ҳуқуқий тадқиқотлар инсоннинг жамият ва давлат билан бўладиган алоқаларини, улар манфаатларини гармонизациялаш масалаларини ўрганиши керак. Бизнинг ишончимизча, бундай тадқиқотлар шарқона турмуш тарзини, Шарқнинг гўзал ва сермаъно коммуитаристик (жамоавийлик) анъаналарини рад этишни кўзламаслиги зарур.

Фалсафий - ҳуқуқий тадқиқотлар ижтимоий давлатнинг идеал кўринишдан, ҳаёлий схемадан, утопиядан реал ҳаётга айланиш қонунларини очиб бериши зарур бўлади. Идеал моделнинг реал моделга айланиши қонунларини аниқлаш, қандай қилганда ижтимоий давлат барпо этишнинг аниқ усулларини, йўллари топиш мумкин, деган саволга жавоб излаш фалсафий - ҳуқуқий изланишлар зиммасидадир. Идеал моделнинг реал моделга айланиши триададаги барча қисмларни уйғунликда қарашга ундайди, уларнинг бирортаси ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак. Ижтимоий борлик ва



ижтимоий муносабатлар, умуман, жамиятнинг ривожланиши фақат шахс манфаатлари билан ўлчанмайди, жамият ривожи барча қисмлар фаоллигининг натижаси бўлиши мумкин. Инсон яшаётган ижтимоий муҳитни, у киришадиган ижтимоий муносабатларни гуманизациялаш муаммолари чуқур назарий фалсафий дискурсларни тақозо этади.

Ижтимоий давлатнинг юридик аксиологик асосларини ўрганиш ҳали илм фан аниқламаган муаммоларга рўпара қилади. Ҳуқуқ масалаларининг борлигини, ижтимоий давлатнинг ҳуқуқий характерини қайд этиш етарли эмас. Ижтимоий давлат ҳуқуқ феноменини асосий қадрият сифатида эътироф этиши ижобий ёндашув, албатта. Бироқ, ҳуқуқий қадриятнинг ижтимоий давлат функцияларидан бирига айланиши механизмлари нималардан иборат? Ҳуқуқни мутлақлаштириш ижтимоий ҳаётни унификациялаштиришга олиб келмайдими? Бундай бўлмаслиги учун ҳуқуқий қадриятлар билан ахлоқий нормалар, анъаналар ва урф одатларнинг регулятив вазифалари қийинлашиши керак. Ижтимоий давлатда ҳуқуқ эъзозланадиган қадриятга айланади, аммо у бошқа социал нормаларни рад этмайди. Демак, расмий ҳуқуқ билан норасмий ҳуқуқ, яъни ахлоқий нормалар, урф одатлар ва анъаналарнинг регулятив функциялари ўртасидаги муаммолар ижтимоий давлатда ҳам сақланиб қолади. Расмий ҳуқуқ билан норасмий ҳуқуқ ўртасидаги муносабатлар ижтимоий давлатдаги соционормаларни ҳаракатчан, давр ва эҳтиёжлар талабларига мувофиқ ўзгарувчан қилади. Улар ижтимоий ҳаёт динамизми ва мобиллигини ифода этиб, бутун жамиятни ҳаракатга келтирувчи қадриятларга айланади[10]. Ҳуқуқ қанчалик самара бермасин, жамият ахлоқни кўпроқ эъзозлайди, унинг регулятив кучига кўпроқ ишонади. Шарқ халқларида ахлоққа ишониш шунчалик кучлики, улар сиёсат, ҳуқуқ, юридик механизмлар таъсирини ҳам маънавий омиллар билан ўлчашга мойил. Мазкур анъаналарни ҳисобга олмай янги, ижтимоий давлат талабларига мувофиқ келадиган ҳуқуқий қадриятларни шакллантириб бўлмайди. Ахлоқдаги стихиялик, ҳар доим ҳам давлат қарорлари ва институтларига бўйсунавермаслик, субъективлик[11], халқ ҳаётига ва ҳар доим ҳам англавермайдиган ва ҳар доим ҳам бошқарилавермайдиган онг жараёнлари билан боғлиқлик уни (яъни ахлоқни) “ижтимоий мобил” (П.А.Сорокин) қилади. Ижтимоий давлатда, бизнинг фикримизча, маънавий ахлоқий нормалар устуворлик, ҳуқуққа нисбатан етакчилик қилади, акс ҳолда жамиятнинг, далаат бошқарувининг гуманистик аҳамиятини ошишига ишонч пайдо бўлмайди. Ижтимоий муносабатларнинг ахлоқий қадриятларни алоҳида эъзозлаши ҳуқуқни, бошқаришни ижтимоий



маънавий ва ахлоқий кадриятларга хизмат қилиши зарурлигини англатади. Агар маънавий ахлоқий кадриятларга муносабатларда кескин ижобий ўзгариш содир бўлмаса, жамиятнинг олға силжиганига ишониш қийин. Ижтимоий муносабатларнинг гуманистик ўзгаришлар томон силжиши жамиятни инсонпарварлаштиришга оид ислохотлар амалга оширилганини тасдиқлайди. Аслида бу идеал давлат томон ташланган навбатдаги кадамдир.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Платон. Государство. - Москва: Изд. АСТ, 2022. С. 12-15.
- 2.Бисмарк фон Отто. Афоризми немецкого канцлера. - Москва: Эксмо, 2019. С. 113.
- 3.[https:// aussiedlerbote. Be](https://aussiedlerbote.be) 2022/09.
- 4.История этических учений. Учебник. Под ред А.А.Гусейнова. - Москва: Гардарики, 2003. С.263.
5. Сафронов А.В. Правовое беззоснательное: Русская правовая картина мира // Логос, 2002, №1. С.8.
- 6.Анисимов А.С., Агеева М.А. Понятие справедливости в современной социологии //Социология, 2011, №1. С.259.
- 7.Бисмарк фон Отто. Афоризми немецкого канцлера. - Москва: Эксмо. 2019. С. 115.
- 8.Фукуяма Ф. Сильное государство. - Москва: АСТ, 2002.
- 9.Гриценко Н.Н., Волгин Н.А., Попов Ю.Н., Шарков Ф.И. Шулуc А.А. Основы социального государства. Учебник. - Москва: Изд. дом. АТиСО, 2016. С. 236 240.
- 10.Сорокин П.А. Социальная мобильность. - Москва: Academia LVS, 2005. С. 238 242.
11. Теория госудрства и права. Учебник для взов. - Москва: Изд. НОРМА ИНФРА М., 2001. С.255.

